

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ЗАРУР ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 31 март куни макро-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, бизнесни қўшимча қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Халқаро экспертлар жаҳон иқтисодиётидаги ҳозирги мураккаб вазият узоқ давом этишини прогноз қилишмоқда. Бу эса ички бозордаги нарх-навога, айниқса, озиқ-овқат нархлари ва инфляцияга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта.

Шу боис, бу омиллари Президент раҳбарлигида мунтазам таҳлил қилиниб, зарур чоралар кўриб борилмоқда. Бу ўз натижасини бериб, ички бозорда мўътадиллик таъминланмоқда.

Хусусан, гўшт, сут, картошка, тухум, гуруч нархининг ошишига йўл қўйилмади. Чет эл корхоналари Тошкент товар-хомашё биржасида озиқ-овқат маҳсулотларини сотиши учун қўшимча шарт шарт қилинди. Валюта бозори ва айрибашлаш курси барқарорлашди.

— Бу борада халқимизда ортиқча хавотир ёки безовталиқ бўлмаслиги керак. Валюта бозорида кескин тебранишларнинг олдини олиш учун захирамиз етарли, — деди давлат раҳбари.

Қириб келаётган Рамазон ойида нархни арзонлаштириш катта савоб экани, бунинг учун озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда озиқ-овқат маҳ-

сулотлари импорти учун аввал берилган имтиёзли маблағларни қайтариш мuddати йил якунига қадар узайтирилди.

Бош вазир раҳбарлигида республика штаби ҳамда ҳокимлар бошчилигида ҳудудий штаблар ташкил этилди. Уларга бозордаги нарх-наво кундалиқ ўрганиб, маҳсулотларни аҳоли талабига қараб қўшимча етказиб бериш топширилди. Озиқ-овқат ва хомашёнинг биржа савдоларида чиқарилиши устидан кунлик назорат ўрнатиш, сунъий равишда нарх ошишининг олдини олиш вазифаси қўйилди.

— Ҳозир дунёда мураккаб давр давом этаётти, ҳар куни янги синовлар билан тўқнаш келаяпмиз. Лекин эртага нима бўлади, деб кутиб ўтириш ярамайди. Муаммоларни тезкор аниқлаб, ҳал қилиш ва янги имкониятларни излаб топишимиз керак, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Ташқи хавф-хатарлар таъсирини камайитириш мақсадида тадбиркорларни қўшимча қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди.

Жумладан, банклар томонидан тадбиркорларга хомашё сотиб олиш ва айланма маблағлар учун қўшимча 10 триллион сўм "револьвер" кредитлар ажратилади. Давлат дастурлари доирасида мева-сабзавотчилик, оилавий тадбиркорлик, ипотека ва таълим кредитлари ҳажми ҳам, имтиёзли ставкалари ҳам сақлаб қолинади.

— Қанчалик оғир бўлмасин, ажратилган маблағларни камайитир-

маймиз ва юқини оширмаймиз, — деди Президент.

Шунингдек, солиқ маъмуричилигида янги механизмлар бўйича йил якунигача жарима қўлламаслик, божхона имтиёзларини қўллаш даврини узайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Тошкент инвестиция форуми якунларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мазкур анжуманда қарийб 8 миллиард долларлик шартномалар ва келишувларга эришилган. Қўллаб-хорижий тадбиркорлар юртимизда ўз бизнесини бошлаш ёки ривожлантириш истагини билдирган.

Бу келишув ва ташаббуслар тўла амалга ошиши учун инвесторларга барча шарт шарт яратилиши қайд этилди. Иқтисодиёт тармоқлари раҳбарларига хорижий компаниялар билан келишиб, уларнинг ишлаб чиқариш занжирига қўшилиш вазифаси қўйилди. Навоий, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида қўшни мамлакатлар бозорига маҳсулот етказиб берувчи улгуржи савдо ҳудудлари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳудуд ва тармоқларда харажатларни қисқартириш, таъмирлаш, автомобиль, мебель ва офис анжомлари харид қилишни тўхтатиб туриш бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

Халқаро молия бозоридаги ҳозирги нобарқарор вазиятда четдан маблағ жалб қилиш қийин бўлади. Бундай шарт шарт энг тўғри йўл — бор

ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш.

Масалан, бугунги кунда қиймати 9 миллиард доллар бўлган 105 та лойиҳа доирасида жалб этилган маблағлар ишлатилмай турибди ёки чўзилаётти.

Шу боис, Бош вазир ўринбосарига тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимлари билан бирга, ҳар бир лойиҳани чуқур ўрганиб, ижросини жадаллаштириш, самарасиз ва истиқболсиз лойиҳаларни тугатиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда аҳоли бандлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Бу масалага фақат иқтисодий кўрсаткич сифатида эмас, балки "халқимизнинг ижтимоий ҳимояси" нуқтаи назаридан қараш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги иш ўринлари ташкил этиш кўрсаткичлари вилоят ва туманлар кесимида таҳлил қилиниб, камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кунда 67 та фаолият тури ўзини ўзи банд қилиш шаклига ўтказилган. Бундай касблар яна 20 тага кўпайтирилиши, бу орқали қўшимча 150 минг аҳоли бандлигини таъминлаш мумкинлиги айtilди.

Ҳукуматга эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш қўламини янада кенгайтириш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

ЎЗА

Маълумки, жамият тараққиёти, мамлакат ривожини қонун устуворлиги билан кафолатланади. Ҳар қандай глобал шароитда, ҳар қандай вазиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий барқарорликни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёш авлод тарғалим-тарбиясига янада жиддий эътибор қаратиш муҳим вазифалардан саналади.



Моҳият

Сенатда янги Меҳнат кодекси тасдиқланди



Олий Мажлис Сенатининг йиғирма тўртинчи ялпи мажлисида ушбу йўналишларнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга оид бир қатор масалалар сенаторлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди ҳамда қизгин фикр-мулоҳазалар билдирилди. Сенат ялпи мажлисида 18 та масала, шу жумладан, 9 та қонун кўриб чиқилди.

Хусусан, сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун ҳам маъқулланди. Айтиш керакки, Конституция-мизнинг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Пойтахтимизда "Ўзбекистонда муносиб меҳнатни илгари суриш: инсонга йўналтирилган ёндашув" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда муносиб меҳнатни илгари суриш: инсонга йўналтирилган ёндашув

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси раиси Т.Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г.Райдер, унинг ўринбосари Х.Коллер, БМТ, ЕТТБ, Европа Иттифоқи ва қатор халқаро ташкилотлардан юзга яқин мутахассислар ва экспертлар, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, Олий Мажлис палаталари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Юқори даражада ўтказилган ушбу халқаро тадбирда 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган долзарб масалалар, яъни аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб ишга эга бўлиш ва меҳнат шарт шартларини яратиш ҳамда бу соҳада мамлакатнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева сўзга чиқди.

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган 300 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 мингдан ортиқ

фармон ва қарорлари қабул қилинди. Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизими ислоҳ қилинди. Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси тўғрисида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни йўқ қилиш соҳасида аниқ натижаларга эришилди. Хусусан, қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, халқаро стандартларни имплементация қилиш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, институционал базани ривожлантириш, тизимли мониторинг ва тадқиқотлар олиб бориш, фуқаролик жамияти ва ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш соҳаларида тизимли ишлар олиб борилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик базасини мустаҳкамлаш борасида 2019-2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг қатор конвенция ва баённомалари ратификация қилинди. Болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилиши энг самарали чоралар тадбирлардан бири бўлди. Миллий қонунчилигимизни Халқаро меҳнат ташкилотининг Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли конвенциясига мувофиқлаштирдик.

(Давоми 3-бетда) ▶

ОДИЛ ВА МУСТАҚИЛ СУД — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙДЕВОРИ

(Академик Акмал Саидов билан биринчи суҳбат: Харажатлар стратегияси ва суд ҳокимиятининг конституциявий асослари)



— "Судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик бўлиши керак". Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакат суд тизими вакиллари, судьялар олди-га ана шундай ҳаққоний талабни қўйди. Бу талабнинг моҳияти ва аҳамияти нимада?

— Кейинги йилларда мамлакатимиз судьяларининг амалий широгига айланган ушбу го яил бор давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июнда судьялар билан бўлиб ўтган биринчи тарихий учрашувида сўзлаган нутқида янги раганди. Бу дастурий нутқ замирида суд тизимини фуқароларимизнинг ҳуқуқлари,

эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган адолат кўрғонига айлантиришдек устувор мақсад мужассам.

Президентимиз 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, "Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим".

Айни чоғда, бунга қадар — 2016 йил 21 октябрда давлатимиз раҳбари томонидан "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш



Акмал САИДОВ, академик

кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми 2-бетда) ▶

Парламент фаолияти



Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан қандай жавобгарлик белгиланмоқда?

Мажлисида депутатлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда ба-тафсил муҳокама қилинди.

Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ томонидан давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар инобатга олинди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Мезон

Қонунга итоатсизлик

лицензиянинг суд томонидан бекор қилинишига асос бўлди



Мамлакатимизда бангликни таъминлаш, меҳнат бозорини ривожлантириш мақсадида хусусий банглик агентликлари фаолиятига ҳам кенг йўл берилди. Энг муҳими, бу борада замонавий талабларга жавоб берадиган ҳуқуқий асослар яратилди.

(Давоми 4-бетда) ▶

ОДИЛ ВА МУСТАКИЛ СУД — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙДЕВОРИ

(Академик Акмал Саидов билан биринчи суҳбат:

Харакатлар стратегияси ва суд ҳокимиятининг конституциявий асослари)

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Чунки мазкур ҳужжат мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш жараёнларини янги босқичга кўтарди.

— Суд ҳокимиятининг конституциявий асосларини ривожлантиришда Харакатлар стратегияси қандай роль ўйнади?

— Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда Президентимиз томонидан Конституциявий нормалари асосида ишлаб чиқилган ва 2017 йил 7 февралда тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу миллий тараққиёт стратегиясининг "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари" деб номланган иккинчи йўналиши доирасида соҳада улкан ислохотлар амалга оширилди.

Харакатлар стратегияси ўтган беш йиллик даврда давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичига асос солди. Бу муҳим ҳужжат том маънода янги Ўзбекистонни бунёд эттиришнинг мустақкам ҳуқуқий пойдевори эканини амалда намоён этди.

Харакатлар стратегияси мамлакатимиз Конституциясини тақомиллаштириш учун асос бўлди. Бунда Конституциявий Харакатлар стратегиясида белгилаб берилган демократик ислохотларни амалга оширишнинг конституциявий асоси сифатида хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Харакатлар стратегияси доирасида Конституцияга муҳим ўзгаришлар киритилган бўлиб, суд ҳокимиятининг конституциявий асосларини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар бу борада алоҳида ўрин тутди.

— Суд ҳокимиятининг конституциявий асосларини тақомиллаштиришда айнан қандай устувор вазибалардан келиб чиқилди?

— 2017 йил 6 апрелда Конституциянинг 7 та моддасига киритилган тузатишларда куйидаги 3 та устувор вазибалар:

Биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш;

Иккинчидан, одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш;

Учинчидан, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимларига тайинлаш тизимини янада тақомиллаштириш — суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишлари сифатида мустақкамлаб қўйилди.

Мазкур конституциявий ўзгаришлар суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, Конституциянинг 111-моддасига 2017 йил 6 апрелда тегишли ўзгариш киритилиб, Судьялар олий кенгашига конституциявий мақом берилди.

Асосий Қонун нормасига кўра, эндиликда Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий

принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади. Судьялар олий кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби қонун билан белгиланади.

— Сўнги йиллардаги конституциявий ислохот туфайли Янги Ўзбекистоннинг Конституциявий суди қарор топди, десак, тўғри бўладими?

— Албатта. Аввало, Конституцияга суд ҳокимиятининг фаолиятини тубдан яхшилашга, нуфузини оширишга, судлар тузилишини тақомиллаштиришга ҳамда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш тизимини демократлаштиришга қаратилган ўзгариш ҳамда қўшимчаларнинг киритилиши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари судда ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, мамлакатда қонун устуворлигини, қонунийликни мустақкамлашнинг муҳим омилга айланди.

Конституциянинг 108-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Конституциявий суд Президент тақдими биноан Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тавсия этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикасининг вакилини қўшган ҳолда сайланадиган бўлди.

Конституциянинг 108 ва 109-моддаларига киритилган тузатишларда Конституциявий қонунларнинг, халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг имзолашунига қадар Конституцияга мувофиқлигини текшириш, Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатларини кўриб чиқиш, шунингдек, ҳар йили Олий Мажлис палаталари ва Президентга мамлакатдаги конституциявий қонунликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш борасидаги Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш назарда тутилди.

— Маълумки, Президентимиз томонидан 2021 йил 27 апрелда "Конституциявий суд тўғрисида"ги Конституциявий қонун имзоланган. Шу ҳақда ҳам мухтасар тўхталсангиз.

— Ушбу Конституциявий қонунга кўра, Конституциявий суд ўзи киритган қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш чоғида иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлайди. Суд таркибига киритилган судьялар сони, раис ва унинг ўринбосарини қўшган ҳолда, 7 нафардан 9 нафаргача оширилди.

Янги қонун талабига биноан, куйидагилар ҳам Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга:

● Ҳисоб палатаси аъзолари (илгари — ҳисоб палатаси раиси);

● Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марка;

● Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил.

Қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг фикрича, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, Конституцияга мувофиқ келмас ҳамда судда қўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган ва судга ҳимоя қилиниши бarchа бодда воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақлидир.

— Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг конституциявий асосларини ривожлантириш борасидаги ислохот талаблари билан халқаро ҳуқуқ мезонлари ўртасида қанчалик муштараклик мавжуд?

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади мустақил, кучли суд ҳокимиятини вужудга келтиришдан иборат. Зеро, суд ҳокимияти нафақат уч ҳокимиятнинг бири, балки унинг юксак нуфузли ҳуқуқий ҳолати, жамият ва давлат ҳаётида инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийлик барқарор бўлишининг асосий шартидир.

Суд ҳокимиятининг вазифаси — фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳамда мамлакат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлигини таъминлаш, қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни ижро қилиш ва қўллашда қонунийлик ҳамда адолатни таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, инсон шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймайликка қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу соҳадаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, бунинг учун эса, суднинг ҳақиқий мустақиллигини ва фаолиятининг самарадорлигини таъминлашдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев юритаётган сиёсат марказида ҳам, аввало, инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади мужассам. Давлатимиз раҳбари судларимиз томонидан ишларни кўришда жамоатчиликнинг иштироки юқори бўлиши масаласини алоҳида қайд этгани бежиз эмас.

Бугунги кунда билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолган йигит-қизларимиз ёки аёлларимиз ишларини Ёшлар иттифоқи, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ташкилотлари кафилиги асосида кўриб чиқиши ижобий натижаларни бермоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳат: жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариш институти бекор қилинган ва далилларга баҳо бериш институти тақомиллаштирилди. Бу, ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилиб, далилларга ҳолисона баҳо берилган ҳолда оқлов ҳукмлари қўйилишига асос яратди.

Буни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян ҳам алоҳида эътироф этди.

— Айни соҳада халқаро ҳуқуқ нормаларини бажариш бўйича эришилган натижаларга аниқ мисоллар келтирсангиз?

— Одил судловни амалга оширишга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларини бажариш борасида: **биринчидан**, юртимизда Бизнес-Омбудсман ва Болалар Омбудсмени ташкил этилди;

иккинчидан, суд ҳокимиятини демократлаштириш, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолат таъминининг ҳаётга татбиқ этиш, суд ҳокимиятининг муста-

қиллигини, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, "Хабас корпус" институтини кенгайтириш, суд тизимини мустақкамлаш, шунингдек, тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилди;

учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, низоларни судгача ҳал этиш, тарафларни яраштиришда адвокатларнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтириш, суд ишларининг адолатлилиги, очиқлиги ва ошкоролигини таъминлаш учун "электрон адолат" тизими жорий этилди;

тўртинчидан, жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини тузишга йўл очилди, соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва чора-тадбирлари белгиланди. Бугунги кунда тинтув, воқеа жойида олинган кўрсатмаларни текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видеотасвирга олиш орқали мажбурий қайд этиш талаблари қонун билан мустақкамланган;

бешинчидан, маъмурий, жиноий, жиноий-процессуал, жиноий-ижроия, фуқаролик ва иқтисодий қонунчилик тақомиллаштирилмоқда. Жамоат бирлашмалари кафолати остида шахсларни афв этиш ва жазодан озод қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. "Жаслик" ихтисослаштирилган колониясининг ёпилиши муҳим воқеа бўлди;

олтинчидан, фуқароларимиз ҳуқуқлари ва манфаатларини, қаред бўлишларидан қатъи назар, ҳимоя қилиш ва уларнинг Ўзбекистонга қайтишлари учун барча зарур шароитлар яратилган. Мисол сифатида Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуроли можа-ролар ҳудудларидан 541 нафар фуқаро, асосан, аёллар ва болаларнинг Ватанимизга қайтариб келтирилганини айтиш мумкин.

— Яқинда матбуотда эълон қилинган шу мавзудаги мақола-мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини янги ҳақда суд тизимини яратишга қаратилган шиддатли ўзгаришлар сифатида баҳоладингиз. Бу фикрингизни қандай далиллар билан асослайсиз?

— Бунинг учун Ўзбекистон суд тизимидаги шиддатли ўзгаришларни учта мезон — тизимдаги аввалги ҳолат, ҳозирги ҳолат ва эришилган натижа ҳақидаги маълумотлар негизда таҳлил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Биринчи муҳим ўзгариш: туб ислохотлар бошланишига қадар мамлакатимизда бир-биридан мустақил бўлган — Олий суд ва Олий ҳўжалик суди фаолият юритиб келган. 2017 йил 1 июнда Олий суд ва Олий ҳўжалик суди ягона суд ҳокимияти — Олий судга бирлаштирилди. Натижада, аввало, ягона суд амалиёти таъминланди, қолаверса, бир-бирини такрорловчи функциялар мувофиқлаштирилди.

Иккинчи муҳим ўзгариш: илгари оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқаётган низо-лар фуқаролик ва иқтисодий судлар томонидан ҳал қилинган. Эндиликда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўрадиган махсус — маъмурий судлар ташкил этилди.

Бунинг натижасида, биринчидан, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилиниши янада кенгайтирилди. Иккинчидан, ягона маъмурий суд амалиёти шакллантирилди. Учунчидан, Олий суд Плену-

ми қарорлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, мувофиқлаштирилди.

Учинчи муҳим ўзгариш: яқин вақтларгача инвестициявий низо-лар фуқаролик ва иқтисодий судлар томонидан барча суд босқичларида ҳал қилинган. 2021 йил 1 январда Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид махсус судлов таркиби ташкил этилди. Ушбу судлов таркиби инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бевоқиф шугулланмоқда.

Санаб ўтилган ислохотлар туфайли куйидаги учта муҳим натижага эришилди:

● инвесторлар йиллаб сарсон бўлишининг олди олинди;

● низолар бита судда ҳал қилиниши таъминланди;

● мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлиги ортди.

Бундан ташқари суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга устувор эътибор қаратилиши натижасида судлар мустақиллиги ва одил судловга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди.

Хусусан, айблов далили сифатида ноқонуний усуллар билан олинган маълумотлардан фойдаланиш учун қатъий жавобгарлик белгиланди. Жиноят кодексининг қийноқларга доир 235-моддаси БМТ Қийноқларга қарши конвенциясининг 1-моддасига мослаштирилди.

— Президентимиз ташаббуси билан татбиқ этилган "Бир суд — бир инстанция" тамойили ҳақида ҳам тушунча берсангиз.

— Бу ўринда, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта кўриш институти тақомиллаштирилганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 2017 йилга қадар 7 суд инстанциясида суд қарорлари қайта кўриб чиқилган бўлса, кейинги уч йилда бу инстанциялар сони 3 тага қисқартирилди.

2020 йил 24 июлда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони суд инстанцияларининг камайиши ва назоратнинг тўлиқ бекор қилинишига ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Фармон ижроси доирасида бир қатор муҳим натижаларга эришилди.

Биринчи натижа: суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар олиб ташланиб, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари 3 тагача камайирилди.

Иккинчи натижа: суд ишларини назорат тартибига кўриш институти тўлиқ тугатилди.

Учинчи натижа: Олий суд раиси, Бош прокурор ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибига протест киритиш ҳуқуқи бекор қилинди.

"Бир суд — бир инстанция" тамойилининг жорий этилиши натижасида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражаси ошмоқда.

Илгари судларда куйидаги 7 та босқичда:

Биринчи инстанция (туман, шаҳар);
Апелляция ёки кассация инстанцияси (вилоят);
Вилоят суди Раёсати;
Олий суд судлов ҳайъати;
Олий суд назорат инстанцияси;
Олий суд Раёсати;
Олий суд Пленуми босқичларида ишлар кўрилган.

Шу негизда одил судловга оид халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими

яратилди. Яъни биринчи инстанция, апелляция инстанцияси — вилоят даражасидаги судлар ва кассация инстанцияси — Олий суддан иборат бўлган "Бир суд — бир инстанция" тамойили жорий қилинди.

Бу борадаги ислохот туфайли куйидаги амалий натижалар қўлга киритилди:

Биринчидан, фуқаролар овоз-рагарчилигининг олди олинди;
Иккинчидан, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ортди;

Учинчидан, бир-бирини такрорловчи инстанциялар қисқартирилди;

Тўртинчидан, Олий судда 84,8 фоиз яқини қарорлар қабул қилинишига эришилди;

Бешинчидан, халқаро эксперт-назорат инстанцияси тўлиқ бекор қилинди.

— Суд жараёнида тарафлар тенглигини таъминлаш бўйича қандай янгиликлар амалга оширилди?

— Суд қарорларини қайта кўриш институти янада тақомиллаштириш, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Иқтисодий, Фуқаролик процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Уларда суд қарорлари қонунийлиги, асослилиги ва адолатлигини қайта кўриб чиқишга оид бир хил процессуал тартиблар белгиланди.

Қонунларга асосан фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилинди. Суд процессида тортишувлик принципини ҳамда тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида судланувчи, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари томонидан кассация тартибига берилган шикоятнинг мақоми прокурорнинг протести билан тенглаштирилди.

Жиноят процессида аввал янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш фақат прокурорнинг ташаббусига кўра амалга оширилган.

Энди эса, бундай ҳуқуқ жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, яъни маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи ва унинг вакилига ҳам берилди. Улар судга янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзгатиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эга бўлди.

Фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришда прокурор иштироки билан боғлиқ нормалар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Прокурор қонунда назарда тутилган ёки ўзининг давро аризаси асосида қўзғатилган ишлардагина иштирок этиши, иш бўйича тарафларнинг мурожаатлари мавжуд бўлган тақдирда кассация протестини киритиш масаласини ҳал қилиш учун суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли экани белгиланди.

Бизнес-омбудсманга иқтисодий ишлар бўйича, шунингдек, маъмурий ишлар бўйича биринчи инстанция судининг тадбиркорлар фаолияти билан боғлиқ қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти тақдим қилиш ҳуқуқи берилди. Эндиликда кассация шикояти апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинганидан кейин 1 йил ичида берилиши мумкин.

(Давоми кейинги сонда)

Фулум Мирзо суҳбатлашди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жамият ривожланишининг замонавий тенденциялари меҳнат соҳасида вужудга келадиган муносабатларга янги талаблар қўймоқда.

Мамлакатимизда меҳнат муносабатлари демократия, инсонпарварлик ва адолат тамойилларига асосан ҳуқуқий тартибга солинадиган ҳамда бозор муносабатлари талабларига мос келиши зарур ҳисобланади. Меҳнат кодекси бу борадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Маълумки, амалдаги кодекс 1995 йилда қабул қилинган ва замонавий воқеликка мос келмай қолган эди. Унда фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб қилишнинг янги шакллари фаол ривожланиши ҳисобга олинмаган. Иш бевуқларни, хусусан, қўшимча одамларни меҳнатга жалб қилишнинг сода шакллари ташлашга имкон берадиган мослашувчан иш режимларидан кенг фойдаланиш учун етарли шарт-шароитлар яратилмаган.

Бугунги кунда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада амалдаги охириги кундаги меҳнат қонунчилиги ҳуқуқни қўллаш амалиётидан фарқ қилишдан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Шу боис меҳнат қонунчилигини янада такомиллаштиришга зарурат туғилди ва Меҳнат кодексининг янги таҳрири янги таҳририга тузилганда ишлаб чиқилди.

Бошқа қонун ҳужжатлари, яъни "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги, "Қасба уюшмалари тўғрисида" ги, "Аҳоли бандлиги тўғрисида" ги қонунларда белгиланган нормаларни такорловчи 34 та модда янги таҳрирдаги кодексдан чиқариб ташланди. Янги қонун билан:

Биринчидан, 50 дан ортиқ модда меҳнат муносабатларининг янги жиҳатларини, улар субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалдаги охириги меҳнат қонунчилигини янада тўлиқ оқиб бевуқчи аниқлаштирувчи нормалар билан тўлдирди.

Иккинчидан, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон ратификация қилган Конвенциялари асосида меҳнат билан бевосита боғлиқ муноса-

батларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий тамойиллари аниқлаштирилди.

Учинчидан, ички ҳужжатларнинг бир-бири билан ўзаро мувозанати, шунингдек, уларнинг қонун ҳужжатлари билан мувофиқлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустахкамланди. Жумладан, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ҳодимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланганига нисбатан қўшимча ҳуқуқ ва

қонунчилиги роя қилиш, жамоа битимлари, жамоа шартномалари ва корхонанинг бошқа локал ҳужжатлари қоидаларига, меҳнат шартномаси шартларига роя этилиши бўйича мажбуриятларни талаб қилиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилди.

Еттинчидан, меҳнат муносабатларининг вужудга келиши учун асослар кенгайтирилди. Яъни ишга қабул қилиш бўйича очик мустақил танловдан ўтиш, лавозимга сайла-

си"ни юритиш бўйича қоидалар киритилди.

Натижада иш бевуқчи ва ҳодим ўртасидаги меҳнат муносабатларини рўйхатдан ўтказиш, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишни тўлиқ рақамлаштириш имконияти яратилди.

Маъзур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида:

Бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳодимлар ва иш бевуқчилар

лаштирилади.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини ишлаб чиқишда хорижий давлатлар, жумладан, Германия, Швеция, Норвегия, Буюк Британия, Латвия, Эстония Япония, Жанубий Корея ҳамда МДҲ давлатлари тажрибаси чуқур ўрганилди.

Кодекс меҳнат ҳуқуқининг айрим институтларига бағишланган ва бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ҳодимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ҳодимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ҳодимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш каби янги нормаларни ўз ичига олган.

Маъзур кодексни дастлаб Сенат кўмиталарида кўриб чиқиш жараёнида тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тarmoқлардаги ҳамда фуқаролардан келиб тушган таклифлар кенг муҳокама қилинди.

Хусусан, яқна тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар ва улар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари, меҳнат муносабатларидаги камситиш омиллари, хизмат текшируви ҳамда жамоавий меҳнат низолари юзасидан киритилган нормаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг қабул қилиниши бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳодимлар ва иш бевуқчилар манфаатлари мувозанатини таъминлаш, кичик бизнес ва яқна тадбиркорлик соҳасига меҳнат қонунчилигини татбиқ қилиш энгиллашади, шунингдек, айни соҳаларда ёлланб ишловчилар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятларини ҳисобга олиш мумкин бўлади;

фуқароларнинг меҳнат фаолиятига жалб қилинишининг янги шакллари фаол ривожлантиришни тартибга солиш, эгилувчан иш режимларидан кенг фойдаланиш учун, жумладан, иш бевуқчилар томонидан ҳодимларни меҳнат жараёнига жалб қилишнинг соддарок, оддийроқ шакллари танлашга замин яратилади.

Меҳнат ҳуқуқи нормалари фуқаролик, оила ва бошқа қатор ҳуқуқ тармоқларига мос-

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ишчи гуруҳи ййгилиши давомида қонун ташаббускорлари томонидан моддий ва маданий мерос объектларига шикаст етказиш тушунчаси ўрганилиб, "шикаст" сўзидан амалиётда фойдаланишда бир қатор тортишувли вазиятлар юзага келиши ва маъзур тушунча турли хил талқин этилишига сабаб бўлишини ҳисобга олиб, "зарар" сўзи билан алмаштирилди. Бу ҳолат амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқлаштирилди.

Депутатларнинг қайд этилишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аввало халқимизга ҳос бўлган миллий ва умуминсоний қадриятлар, муқаддас қадамжойларимиз муносиб сакланишига, ёшларни қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Амалдаги қонунга қандай қўшимчалар киритилмоқда?

Мажлисда муҳокама қилинган наватдаги ҳужжат "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳўжалик жамиятлари ижро этувчи органларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги қонун лойиҳаси бўлди.

Ушбу ҳужжат билан ҳўжалик жамиятлари директорларини ййрик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тартибига роя этмаган иш учун жамиятга зарар етказилганда, уларни жавобгарликка тортиш орқали масъулиятини ошириш мақсадига "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги

қонуннинг 81-моддаси ҳамда "Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида" ги қонуннинг 42-моддасига тегишли қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан жамият ижро органи (директори) битимлар тузиш бошқарув ҳуқуқининг суиистеъмол қилиниши натижасида жамият, унинг кредиторлари ва иштирокчиларига зарар етказилганда, улар субсидиар жавобгарликка тортилди.

Депутатлар ушбу ҳужжатни янада такомиллаштириш, пухта-пишқ ҳолатга келтириш ва маромига етказиш бўйича ўз таклифларини билдирди.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш тизимидаги зиддиятлар бартараф этилади

Депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган "Ер ости бойликлари тўғрисида" ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг "Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармок корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-ҳом ашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори 7-банди ижросини таъминлаш мақсадига ишлаб чиқилган.

Ушбу ҳужжат Давлат геология қўмитаси томонидан фойдали қазилмаларни геологик ўрганиш ва қазиб олиш, уларни муҳофаза этиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган. Лойиҳада ер ости бойликларидан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари рўйхати ва уларнинг ваколат доиралари аниқ белгиланиб, ер қазри участкаларининг давлат фондига янги "заҳира фонди" тушунчаси киритилган ҳолда, унинг моҳияти ёритиб берилмоқда. Шунингдек, ер қазри участкаларидан фойдаланиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Кўчмас мулкка таъқиқ қўйилганда, бу ҳақда ҳуқуқ эгалари хабардор этилади

"Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатдан ўтказиш тўғрисида" ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат Президентимизнинг 2020 йил 7 сентябрдаги "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш мақсадига ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестри, рўйхатдан ўтказиш ишини ва бизнес жараёнини электрон шаклда ахборот тизимлари орқали юритиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳаракатларини амалга оширишни рад этиш асосларининг аниқ рўйхати, ваколатли органлар қарори асосида кўчмас мулкка таъқиқ қўйилганда, бу ҳақда ҳуқуқ эгаларини хабардор этиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, ер ҳисобини юритишда ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кетма-кетлигини белгилаш тақлиф этилмоқда.

Давлат кадастрларининг маълумотлари Миллий географик ахборот тизимида юритилади

Депутатлар "Давлат кадастрлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида" ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқди.

Қонун лойиҳасида Кадастр агентлиги Миллий географик ахборот тизимини юритиш соҳасида махсус ваколатли орган ҳисобланиши, давлат кадастрлари маълумотлари Миллий географик ахборот тизимига фақат телекоммуникация тармоқлари орқали ахборот хавфсизлиги талабларига роя қилган ҳолда тўғридан-тўғри тақдим этиб борилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, давлат кадастрлари ягона тизимига киритилган давлат кадастрларининг ахборотини тақдим этиш тартиби Вазирил Маҳкамаси томонидан белгиланиши лойиҳада ўз аксини топмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

Қилмиш-қидирмиш

Жаҳолат ботқоғи



Х аётда ақли расо кишилар ҳамisha тўғри йўдан юришади. Тўғри йўл эса, жинойи кирдикорлар, қинғир ишларга қўйилган энг ишончли тўсиқ. Аммо ақлнинг яхшилик ва згуллик эмас, балки ёмонлик ва ёвузликка сарфлаб, одамларнинг нафратига дучор бўладиган кимсалар ҳам ҳаётда учраб туради. Охир-оқибат бундай кимсалар қилмишлари учун сугда жавоб беради. (Давоми 4-бетда) ▶

Ўзбекистонда муносиб меҳнатни илгари суриш: инсонга йўналтирилган ёндашув

◀ (Бошланиши 1-бетда)

2021 йилнинг сентябрь ойида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган янги мамлакат дастури қабул қилинган томонлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Қолаверса, ушбу дастур ўзаро ишончли мулоқотни чуқурлаштириш учун мустахкам замин яратди.

Бугунги мулоқотимиз Ўзбекистонда кенг қўламли ўзгаришлар жараёнини янада кучайтиришга хизмат қилади. Мамлакатимизда меҳнат қонунчилигини Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари ва тавсияларига мувофиқлаштириш ишлари давом эттирилди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида ушбу йўналишдаги ишларга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жумладан, меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади, — деди Сенат Раиси.

Халқаро анжуманда таъкидлангани-

дек, сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар, соҳага бозор тамойилларининг кенг татбиқ этилиши, меҳнат қонунчилиги устидан самарали назорат ва мустақил мониторингнинг амалга оширилиши пахтачилик соҳасида тизимли мажбурий меҳнатни тўлиқ бартараф этишга хизмат қилди. Шунингдек, мамлакатимизда муносиб меҳнат тамойилларининг амалиётга татбиқ этилишида 2019 йилда ташкил этилган ва бугунги кунда самарали фаолият юритаётган Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий ва худудий комиссиялари аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётганлиги қайд этилди.

Маъзур йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадига Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, Жаҳон Банки, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирилик, "Cotton Campaign" халқаро коалицияси каби ташкилотлар томони-

дан билдирилган таклифларни амалиётга жорий этиш бўйича "Йўл хариталари" ишлаб чиқилди ва ижроси таъминланди.

Анжуманда Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г.Райдернинг конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаати тингланди. Г.Райдер Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларини амалиётга татбиқ этишда Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлик ўрнатилгани, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида мажбурий меҳнатга қарши курашиш, меҳнат ҳуқуқларига роя этилишини мониторинг қилиш, меҳнат соҳасига оид халқаро стандартларни жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилганини қайд этди.

— Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган янги Мамлакат дастури БМТнинг Ўзбекистон учун барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасида ҳамкорлик дас-

турига тўлиқ мос келади ва Ўзбекистон дунёдаги бундай дастурни қабул қилган биринчи мамлакат ҳисобланади, — деди Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г.Райдер.

Шунингдек, анжуманда Халқаро меҳнат ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори Х.Коллер нутқ сўзлаб, Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга, шу жумладан, болалар меҳнатига барҳам берилгани, умуман, муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида кейинги йилларда Ўзбекистон эришган ютуқларни алоҳида эътироф этди.

Тадбирда ижтимоий ҳимоя, бандлик соҳасида самарали давлат бошқаруви, меҳнат соҳасидаги ижтимоий мулоқот мавзуларига бағишланган сессия ййгилишида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси, Иш бевуқчилар Конфедерацияси, Молия вазирлиги ҳамда қатор халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакилларининг фикрлари эшитилди.

Маъзур анжуман доирасида Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларини янада ривожлантириш юзасидан янги лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Муҳтарам КОМИЛОВА, ЎЗА муҳбири

Жиноятга жазо муқаррар!

Қидирувдаги террорчи

22 йилдан сўнг қонуний жазого тортилди

Юртимизда мустақиллик туфайли диний эътиқод эркинлигига қонун асосида кенг йўл очилди.

Пойтахтлик Қудрат Юнусов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам бу имкониятдан фойдаланган ҳолда диний маросимларни адо эта бошлади. Аммо орадан йиллар ўтиши билан унда чин эътиқод ўрнини ақидапарастлик гоғларни эгаллайди. Аниқроғи, у маҳалладошлари Толирўх Зиёхонов (лақаби "Абдумалик") ва Аъло Акбаров (лақаби "Ади") ташкил этган норасмий ййгиларга қатнашиб, "жамоат амири", "ҳижрат", "жиҳод" сингари ақидапарастлик гоғларини ўрганишга киришади. Кейинчалик масжидда ййгиланган шахсларга очикдан-очик равишда ақидапарастлик гоғларини даъват қила бошлади. Бу йўлда у мамлакатимизда фа-

олияти тақкиданган "Туркистон ислом ҳаракати" террорчилик ташкилоти билан олдидан тил бириктиради. 1998 йилнинг январь ойида "ҳижрат" никоби остида Чеченистонга йўл олади. У ерда уюшган қуролли гуруҳлар таркибига жанговор тайёргарликдан ўтиб, террорчилик ҳаракатини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганади. Сўнгра мамлакатимизга қайтиб келади. Орадан кўп вақт ўтмасдан террорчилик ташкилоти раҳбарларининг кўрсатмасига асосан Фанишер, Сайфулло ва Ботир исмли шахслар билан бирга қонунга хилоф равишда Тожикистонга чиқиб кетади. У ерда улар террорчилик

ташкилоти аъзолари учун қийим-кечак тикиш билан шуғулланишади.

1999 йилнинг январь ойи охирида Қ.Юнусов тергов жараёнида аниқлашни имкони бўлмаган, террорчилик ташкилоти раҳбарларидан бири ҳисобланган "Абдулҳаким" исмли шахсдан бой-бардавлат шахсларнинг мол-мулкни талон-торож қилиш ҳақида кўрсатма олади. Шу маъсадда қонунда белгиланган тартибни бузиб, айланма йўллар орқали Ўзбекистонга келади.

1999 йил 16 февраль кунини террорчилик ташкилоти томонидан Тошкент шаҳрида кўпурувчилик ҳаракатлари

амалга оширилади. Ана шу пайтда Қудрат Юнусов ўз раҳнамоларидан зарур топшириқларни кутиб туради. Лекин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг фаол сайи ҳаракатлари натижасида ташкилотнинг ҳаракатларига чек қўйилади.

1999 йил 4 март кунини Қ.Юнусов ҳамтововқлари Т.Зиёхонов, Ф.Салиев, И.Худойберганов (лақаби "Ҳолид"), Н.Ҳакимов, М.Сафаров (лақаби "Муслим"), К.Қосимбеков (лақаби "Абдурахмон"), А.Қудратов (лақаби "Аббос") ва тергов жараёнида аниқлашининг имкони бўлмаган "Санжар" исмли шахс билан жинойи тил бириктириб, Тош-

кент туманида истикомат қилувчи Қобилжон Обидовнинг хонадонига бостириб қиради. Сўнгра хонадон соҳибларини пичоқ, арқон ва ўқотар қуролларга ўтказиб буюмлар билан кўрктириб, уларнинг қўл-оёқларини боғлаб қўйиб, 1000 АҚШ доллари, 250.000 сўм миқдоридagi пул, 1.000.000 сўмлик тилла тақинчоқларни босқинчилик йўли билан эгаллашади. Қўлга киритилган пулни М.Сафаров орқали террорчилик ташкилотининг аъзоларига юборишади. Шундан сўнг Қ.Юнусов қонунга хилоф равишда Тожикистонга ўтиб кетади. Унга нисбатан Тошкент шаҳридаги кўпурувчилик ҳаракатлари ҳамда босқинчилик жиноятини содир этгани учун амалдаги Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан жиноий ишлари кўзга тилиб, қидирув эълон қилинади. (Давоми 4-бетда) ▶

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бироқ айрим хусусий бандлик агентликларни зиммасидаги мажбуриятни тўла-тўқис бажариш ўрнига қонун талабларини четлаб ўтишга уринмоқда. Буни қуйидаги мисол ҳам яққол тасдиқлайди. Фарғона туманлараро иқтисодий судида "Yuuki Masaru xususiy bandlik agentligi" масъулияти чекланган жамиятига берилган лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Чунки судда аниқланишича, 2019 йилда ушбу агентлик ҳамюртларимизни хорижда ишга жойлаштириш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи 0057-сонли лицензияни олган. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда агентлик ўртасида лицензия битимининг 4.6-бандига кўра, лицензияга давъогоар 50 миң АҚШ доллари (Марказий банкнинг тўлов амалга ошириш кунда белгиланган курс бўйича сўмга нисбатан тенг қийматдаги эквивалент) миқдоридаги маблағни вазирлик ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида захира қилиб қўйиши керак эди. 2020 йил 13 августда қабул қилинган "Хусусий бандлик агентликларни тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг 23-моддасига асосан, ушбу миқдор базавий ҳисоблаш миқдорининг саккиз миң беш юз бараварига тенглаштирилган. Бу ўзгариш ва қўшимчалар 2020 йил 13 ноябрда қўлга кирган. Шу боис вазирлик хусусий бандлик агентлигини ўз вақтида бу ху-

Мезон

Қонунга итбатсизлик

лицензиянинг суд томонидан бекор қилинишига асос бўлди



судда огоҳлантирган. Лекин "Yuuki Masaru xususiy bandlik agentligi" масъулияти чекланган жамияти ушбу талабни бажармаган. Шундан сўнг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 24 ноябрдаги 84-сонли қарори билан жавобгарга берилган лицензиянинг амал қилиши 10 иш кунидан иборат муддатга тўхтатилган. Аммо хусусий бандлик агентлиги бундан ҳам тегишли хулоса чиқармаган.

Шундан сўнг вазирлик Фарғона туманлараро иқтисодий судига давъо аризаси киритган. Суднинг 2021 йил 20 январдаги ҳал қилув қарорига мувофиқ, агентликка берилган лицензиянинг амал қилиш муддати вазирлик ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси депозит ҳисоб рақамида базавий ҳи-

соблаш миқдорининг саккиз миң беш юз баравари миқдоридаги маблағни захира қилинганга қадар 6 ой муддатга тўхтатилган. Бироқ агентлик суд қарорини ҳам ижро этмаган. Шу боис Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги яна судга давъо аризаси киритиб, агентликка тегишли лицензиянинг амал қилишини тугатишни сўраган.

Амалдаги "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонуннинг 34-моддасида лицензиат ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган шахс лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туришига олиб келган ҳолатларни ваколатли орган ёки суд белгиланган муддатда бартараф этмаганда лицензиянинг амал қилиши тугатилиши назарда тутилган. Ушбу қонун талабидан келиб чиқиб, суд давъо аризани асосли деб топди ва "Yuuki Masaru xususiy bandlik agentligi" масъулияти чекланган жамиятига 2019 йил 18 апрелда берилган 0057-сонли лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Эндиликда хусусий агентлик одамларни хорижда ишга жойлаштириш фаолияти билан шуғуллана олмайди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, қонун талабини менсимаслик хусусий агентликка қимматга тушди. Бу бошқалар учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас. Зеро, қонунбузарлик фақат зарар келтиради.

Жамила АКРАМОВА,
Фарғона туманлараро иқтисодий суди судьяси

Ўзбекистондаги фактлар

Бундан ўн йил олдин Голливуд киноижодкорлари суратга олган "Тутқич бермас фирибгар" фильмининг бутун дунё кино ихлосмандлари, шу жумладан, ҳалқимиз ҳам севиб томоша қилмоқда. Ушбу фильмга америкалик қалбаки чек ясовчи Фрэнк Абиғнейлнинг ҳаёти тасвирланган. Аввал-бошида жиний қилмишлар содир этган Абиғнейл жазо муддатини ўтаб чиққач, ўз иқтидорини тўғри ишларга йўналтирган ва катта муваффақиятларга эришган. Қуйида унинг қарийб тарихи ҳақида маълумот берамиз.



Ҳаётнинг экрандаги акси: твбламачиликдан машхурликкача бўлган йўл

Пул ва чекларни қалбаки-лаштириш барча мамлакатларда оғир жиноят ҳисобланади. Бироқ осон пул топиш ёки шунчаки қизиқувчанлик туфайли бу қалтис ишга қўл уривчилар ҳам топилган. Шулардан бири Фрэнк Абиғнейл эди. 1948 йилда Нью-Йорк штатида тadbбир-кор оиласида туғилган Фрэнк 16 ёшга тўлганда ота-онаси ажрашиб кетади ва у отаси билан бирга қолади. Назоратсиз қолган ўсмир фирибгарлик кўчасига қиради.

Фрэнк пул топиш учун дастлаб автомашиналарга ёнилги қуйиш шахобчаси ходимлари билан жиний тил бириктиради. У ходимлардан ёнилги қуйишда фойдаланиш чоғида отасининг кредит картасидан кўпроқ пул ечиб олишни ва муайян ҳақ эвазига уни ўзига беришни илтимос қилади. Карн-тадан ечиб олинган ошқича пул миқдори 3 400 долларга етганда банкдан отасига хабарнома келгач, унинг айби очилиб қолади.

Бу учун отасидан яхшигина дакки еганидан сўнг Фрэнк ўз ҳисобидаги чекларни қалбакилаштиришга киришади. Бу ишнинг силлик кечаётганидан руҳланган йигитча энди доимий равишда сохта чеклар ясаб бошлади. У қўлга тушиб қолмаслик учун сохта чекларни турли банкларда нақд пулларга алмаштириш барибариде сохта депозит ҳисоб-варақаларини банкларнинг маълумот базасига киритиб туширишига имкон беради.

Шу тариқа анча миқдордаги маблағни ўзлаштиришга муваффақ бўлган Фрэнк пулни нақдлаштириб, исм-шарифини ўзгартиради. Саёбат қилишга ишқибоз бўлган Фрэнк АҚШдаги машхур авиакомпанияларидан бирининг Нью-Йоркдаги бош идорасига бориб, ўзини газета мухбири сифатида таништиради ва интервью баҳонасида ўзига керакли маълумотларни билиб олади. Шундан сўнг Фрэнк "Роберт Блэк" номига сохта ҳужжатлар тайёрлаб, захирадаги учувчи сифатида 16 ёшдан 18 ёшгача 250 марта парвоз қилиб, дунёнинг 26 мамлакатига бориб келади. Бундан ташқари у авиакомпания ходими сифатида кўпга бепул хизматлардан фойдаланади. Энг қизиғи, Фрэнк бу пайтида ҳам қалба-

ки чек ясовчи тўхтатмайди. Кейинчалик Фрэнк она юрти бўлган Францияга йўл олади ва у ерда қалбаки чеклар ясаб, уларни Европанинг турли давлатларида нақд пулга алмаштириб бошлади. 1969 йилда Европадаги турли банклар АҚШ фуқароси қалбаки чекларни нақд пулга алмаштириб кетаётганини Федерал қидирув бюросига хабар қилишади. Охир-оқибатда Бюро ходимлари Фрэнкни Францияда қўлга олишади.

Шундан сўнг 12 та давлатда унга нисбатан жиноят иши очилади. 1971 йилда суд унга 12 йиллик қамоқ жазоси тайинлайди. Энг устаси фаранг қалбаки чек ясовчи қамалгани билан АҚШда қалбаки чеклар ва банкноқтлар ясаш тўхтамаган эди. Ана шунда Федерал қидирув Бюроси қалбаки чек ва пул ясовчиларга қарши курашишда Фрэнкдан фойдаланишга қарор қилади. 12 йиллик қамоқ муддатининг бор-йўғи 4 ойини ўтаган Фрэнкга ҳамкорлик эвазига қамоқдан озод бўлиш таклиф қилинади, у рози бўлади. Ана шу ҳамкорлик натижасида Фрэнк кўпга қалбаки чек ва пул ясовчиларни тутиб беради.

Бу ҳамкорликдан сўнг Фрэнк банкка бориб, ўзининг фойдали хизматини таклиф этади. Банк бу таклифга рози бўлади. Фрэнк тез орада банкдаги қалбаки пул ва чекларни аниқлашда ёрдам сўраб мурожаат қила бошлашади. Шу тариқа унинг фаолияти кенгайиб, даромади ошиб боради. Ҳозирги кунда унинг компанияси АҚШда жуда машхур бўлиб, кўпга қалбаки чек ва пул ясовчиларни тутиб беради. Ишдан бўш вақтларида ёзувчилик билан шуғулланган Фрэнк 1980 йилда улобтограффик асарини чоп эттирди. 2002 йилда маэкур асар асосида Голливуднинг машхур режиссёри Стивен Спилберг томонидан фильм суратга олинди. Машхур актёрлар Леонардо ди Каприо ва Том Хенкс бош ролларни ижро этган ушбу фильм иккита "Оскар" мукофотини қўлга киритди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Фрэнк Абиғнейл аввал жиноят содир этиб, кейинчалик ўз иқтидорини жиний ишларга эмас, ўзи ва жамият учун фойдали бўлган ишларга йўналтириб олган инсон сифатида тарихда қолди. Бир пайтлар қалбаки чеклар ясаб, фирибгарлик қилиб юрган Фрэнкнинг ҳисобрақамида бугун миллионлар доллар маблағ бор. У бутун дунёга иқтидорини жиноят ва ноқонуний ишларга эмас, балки тўғри йўлда ишлатиб, муваффақиятга эришиш мумкинлигини исботлади. Шу маънода унинг фаолияти кўнчилиқ учун ўрна бўлишига арзийди. Эҳтимол, машхур кинофильмнинг вақт ўтгани сайин янада кўпроқ томошабинларни жалб қилаётгани сири ҳам шудир?!

Интернет материаллари асосида Хумоюн Мирзо тайёрлади.

Жиноятга жазо муқаррар!

Қидирувдаги террорчи

22 йилдан сўнг қонуний жазога тортилди

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Қ.Юнусов 1999-2006 йилларда Афғонистон, Покистон, Эрон ва Тожикистонда дайдаб юради. У ушбу давлатлардаги террорчилик ва ҳарбий ҳаракатларда иштирок этади. Бу орада ҳамтавоғи Ф.Солиевнинг бева қолган аёли Мавлуда Солиева ҳамда тожикистонлик Малика Давлатовага шаръий никоҳ асосида уйланади. Қолаверса, икки-уч мартаба бошқа шахсларнинг фуқаролик паспортига ўз суратини ёпиштириб, исм-шарифини ўзгартиради.

2006 йилнинг декабрь ойида у М.Давлатованинг укаси Иззатулло Давлатовнинг сохталаштирилган ҳужжати билан ноқонуний равишда "Душанбе-Бишкек-Олмаота" йўналиши бўйича Қозогистонга борган вақтида қўшни давлатнинг хавфсизлик идоралари томонидан ушланган. Унга бир неча жиноятларни содир этганлик айблови асосида узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. У жазо муддатининг 14 йилу 7 ойини ўтаб озодликка чиққанидан сўнг 2021 йил 26 август кунини Ўзбекистонга экстрадиция қилинган.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судида Қудрат Юнусовга нисбатан муқаддам қўзғатилган жиноят ишлари қўриб чиқилди. Суд уни Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми "в" банди, 155-моддаси 3-қисми "а, б" бандлари, 159-моддаси 4-қисми, 161-моддаси, 223-моддаси 2-қисми "б, в" бандлари, 242-моддаси 1 ва 2-қисми ҳамда 244-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбдор деб топиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, инсон учун Ватандан муқаддас гўша, унда эмин-эркин ва хузуур-ҳаловат ила умргузаронлик қилишдан ортқ бахт бўлмас керак. Бу неъматларнинг қадрига етмай, уларни саробга алмаштириб, нақ 22 йил ва тангад бўлиб юрган судланувчи умрининг катта қисмини темир панжара ортида ўтказадиган бўлди. Бундай янғил қисмат бошқалар учун сабоқ бўлиши зарур. Зеро, бу дунёда ҳар қим эканини ўради.

Баҳромжон БЕРДИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани суди судьяси

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Бундай тоифадаги кимсаларнинг аксарияти жиноят кўчасига муқаррар жазони ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, Фаррух Тошкентга кетгач, Одилбек билан Иқболни уйига яна меҳмондорчиликка таклиф қилди.

Фаррух акаси томонидан уюштирилган ушбу зиёфат тафсилотларидан ха-

қийиш мумкин эмаслигини таъкидлади. Лекин уқанинг айтгани акага маъқул келмади. У борди-келдиларга чек қўйишни хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, Фаррух Тошкентга кетгач, Одилбек билан Иқболни уйига яна меҳмондорчиликка таклиф қилди.

Фаррух акаси томонидан уюштирилган ушбу зиёфат тафсилотларидан ха-

билан ўзи содир этган қотиллик ҳаракати қасд ва гараз мақсадларда амалга оширилганини инкор қилди. Бу мудҳиш қотилликни асабий зўриқишнинг оқибати бўлди.

Суд ва тергов жараёнида аниқланган ҳолатлар, жумладан, гувоҳларнинг қўрсатмалари марҳум Ш.Муқимов онгли равишда, қасддан ва аввалдан ҳозирлик қўрилган ҳолда амалга оширилган жиний ҳаракат натижасида ҳаётдан қўз юмганини кўрсатди. Бундай вазиятда Ф.Муқимовнинг қилмишини бевзорлик ёхуд жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатлар билан изохлашнинг имкони йўқ. Суд тергови жараёнида бу машъум қотилликка ака-уқаларнинг кўпдан буён давом этаётган ўзаро жанжали, ақанинг отага қўл кўтаргани, укаси суймаган қариндошларига қучок очгани сабаб бўлгани яққол равшан тортиди. Табиийки, суд буларни қасддан содир қилинган асоратли ва оғир оқибатли жиний қилмиш сифатида баҳолади. Шу билан бирга судланувчининг айби-га иқро ва қилмишини давуш қилиши, ночор оилавий аҳволи, бир нафар фарзанди борлиги, муқаддам судланмагани, шунингдек, жабрланувчининг қонуний вақили уни кециргани, жазо тайинлашда енгиллик беришни сўрагани назарда тутилди. Бу эса, жазони Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисмида қўрсатилган энг кам миқдор бўйича тайинлашни тақозо этади. Судланувчи мазкур модда талаби асосида 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ақли расо, етти ўйлаб бир кесувчи одам жаҳл келганда ақли чарқлайди. Унинг узлатга чекиншига имкон бермайди. Ўз туғишган ақсининг умрига зомин бўлган Фаррух Муқимов худо берган ақл-тафаккурни ишлатолмаган ноқобил кимса бўлиб чиқди. Ақлу тафаккурини эзгуликка бахш этганлар ардоқда, ёмон ва ёвузлик йўлига қурбон қилганлар эса, нафрат ва ғазаб домида яшайди. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳаёт ҳақиқати.

Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Ўқилмиш-қидирмиш



ЖАҲОЛАТ БОТҚОҒИ

бар топгач, уйига қайтди. Аммо унинг кўнгли соғинч ва меҳрга эмас, балки ғазаб ва нафратга тўлган эди. Ҳали остона ҳатламай туриб, акасига захрини сочди, меҳмондорчилик-қилмиш сабабини сўради. Уқадан дакки еган ака ҳам қараб турмади. У укаси-бонжонига ва унинг эри Одилбек Муқимов билан ўзаро борди-келдини бошлаб юборди.

...2021 йилнинг ёзи. Хорижда бир неча йил ишлаб Урганчага қайтган Фаррух кутилмаганда яна йўлга отланди. Тошкентда ишлаб, озорқ бўлса-да, пул жамғаришни ниёт қилди. Йўлга тушиш олдидан акасига ўзига ҳам қариндош, ҳам божа бўлмиш Одилбек Муқимов ва унинг хотини Иқбол Бобожоновани узоқроқ бўлиб, ўзаро борди-келдиларни бас қилишни сўради. Бунга уларнинг бу хонадонга ҳаргал келиб-кетиши жанжал-можаро билан яқун топаётганини сабаб қилиб қўрсатди. Бу қариндошлар билан буткул орани очиқ қилмай туриб, оилавий машмашаларга чек

вий-ахлоқий муҳитнинг мантқий яқуни экани ва қасддан содир қилинганини тасдиқлади.

Жумладан, Олий суд Пленумининг "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 13-сонли қарорида қайд қилинишича, қасддан одам ўлдириш жинояти, ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Қасддан одам ўлдиришга қаратилган жиний ҳаракат содир этилаётганда айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш ниятида ҳаракат қилади, ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларига қўзи этади, ўлим юз беришини истаиди (тўғри қасд) ёки бунга онгли равишда йўл қўяди (эгри қасд). Башарти, Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмида назарда тутилган қилмишлар, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса, яъни қотиллик безорилик туйғуларини билан эмас, балки ўзаро жанжал ёки урушиш натижасида, рашқ туфайли, ўч олиш, ҳасад, адоват, нафрат оқибатида содир

дан пушаймонлиги, ночор оилавий аҳволи, бир нафар фарзанди борлиги, муқаддам судланмагани, шунингдек, жабрланувчининг қонуний вақили уни кециргани, жазо тайинлашда енгиллик беришни сўрагани назарда тутилди. Бу эса, жазони Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисмида қўрсатилган энг кам миқдор бўйича тайинлашни тақозо этади. Судланувчи мазкур модда талаби асосида 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ақли расо, етти ўйлаб бир кесувчи одам жаҳл келганда ақли чарқлайди. Унинг узлатга чекиншига имкон бермайди. Ўз туғишган ақсининг умрига зомин бўлган Фаррух Муқимов худо берган ақл-тафаккурни ишлатолмаган ноқобил кимса бўлиб чиқди. Ақлу тафаккурини эзгуликка бахш этганлар ардоқда, ёмон ва ёвузлик йўлига қурбон қилганлар эса, нафрат ва ғазаб домида яшайди. Бу — исбот талаб қилмайдиган ҳаёт ҳақиқати.

Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-415 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 6810
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.